ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 91 (9.741) 2002 йил 5 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Ўтган шанбада Мирзо Улуғбек боғида анъанавий «Маҳалла куни» байрами кенг нишонланди

Мана олти йилдирки, Мустақиллигимиз шарофати билан август ойининг биринчи шанбасида шаҳримизда анъанавий «Маҳалла куни» байрами шодиёналари ўтказилмоқда. Бу ҳам кейинги пайтларда Юртбошимиз, ҳукуматимиз ғамхўрлиги ва эътибори натижасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва мавқеи тобора ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Ҳамшаҳарларимиз ҳам анъанавий «Маҳалла куни» байрамини орзиқиб кутадиган бўлиб қолишди. Бу гал ҳам миллий одатимизга кўра карнай-сурнай садолари янграб турган Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи эрта тонгданоқ кишилар билан гавжум бўлди.

«Маҳалла куни» байрам тадбирини очар экан, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев маҳалла жаҳон амалиёти бўйича ҳам кишиларни бирлаштириш, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаши борасида жуда қулай тузилма эканини айтиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтилишида маҳалланинг ўрни катта эканлигига алоҳида эътибор қаратди. Бинобарин, ҳаммамиз маҳаллада яшар эканмиз, унда барчамизнинг ўз ўрнимиз бор ва маҳаллаларни ривожлантиришга, обод ва файзли гўшага айлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор, дея таъкидлаб барча йиғилганларни қутлуғ байрам билан қутлади.

Халқимизда энг катта ҳурмат-эҳтиромни қарияларга кўрсатишдек ажойиб одат бор. Байрам тадбирида ҳам биринчи бўлиб туманлардан ташриф буюрган юз ёш билан юзлашган қарияларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байрам давомида табриклар ҳам, қутловлар ҳам кўп бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Рихситилла Акромов, Рустам Қурбонов, Фарида Абдураҳимова, республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзам Гадойбоевлар турли йўналишлар бўйича ўтказилган кўрик-танловлар ғолибларига қимматбаҳо совғалар, «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишони ва Фахрий ёрлиқларни топширишди.

Шундай қилиб Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Маҳалла куни» тадбири муносабати билан ташкил этилган кўрик-танловларда қуйидаги маҳаллалар ва фаоллар ғолиб чиқишди.

Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров маҳалласи (оқсоқол Собир Комилов) «Энг яхши маҳалла», Акмал Икромов туманидаги Ойдин Собирова маҳалласи оқсоқоли Жўрабек Соипов «Энг яхши маҳалла оқсоқоли», Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласи оқсоқоли Зоҳиджон Отаметов «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», Сергели тумани, «Қумариқ» маҳалласидаги Акмал Икромов кўчаси «Энг обод кўча», шу тумандаги Ҳабибий маҳалласи посбони Собиржон Шаропов «Энг яхши маҳалла посбони», Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек шаҳарчаси фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раисаси Маъсуда Эшмуродова «Энг яхши хотин-қизлар комиссияси раисаси» йўналишларининг ғолиблари сифатида, шунингдек танловда 2 ва 3-ўринлар соҳиблари бўлганлар ҳам муносиб тақдирланди.

Эл ардоғидаги санъаткорлар, аскиячилар ўзларининг энг мунис, дилрабо ва шўх қўшиқлари, шоир ва ёзувчилар қалб сўзлари, ажойиб шеърлари билан байрам қатнашчилари кўнгилларини хушнуд этишди.

Тадбирга ташриф буюрганлар ҳар бир тумандаги энг илғор маҳаллалар томонидан уюштирилган каштачилик, дурадгорлик, заргарлик ва бошқа халқ амалий санъатининг намуналари ўрин олган кўргазмаларни мириқиб томоша қилишди, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан боғнинг турли жойларида шахмат-шашка, тош кўтариш, арқон тортиш, велосипед пойгаси, у-шу, турон яккакурашлари бўйича кўргазмали чиқишлар ташкил этилди. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тайёрланган ёшларни Ватанга садоқат, юрт хизматига камарбасталик руҳида тарбиялаш ва уларни жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан баркамолликка ундовчи стенд, панно ва кўргазмалар ҳам тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

«Маҳалла куни» байрами иштирокчилари учун барча аттракционлар бепул хизмат кўрсатди. Боғ бўйлаб халқ сайиллари эса то кечга қадар давом этди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Маҳалла куни» байрамидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ҚИСҚА сатрларда

● **ҲАМЗА** туманидаги 282-мактабда шаҳримиздаги мусиқа мактаблари ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтган семинар мусиқий таълимни ривожлантириш масаласига бағишланди.

● **«30-МЕҲРИБОНЛИК»** уйида ўтказилган хайрия тадбири ҳақиқий байрам тусини олди. Унда меҳрга ташна болажонлар чизган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

● **ШУНИНГДЕК,** Шайхонтоҳур туманидаги 18-мактабда ҳам болажонлар иштирокида хайрия тадбири уюштирилиб, «Яшил чирок» кўрик-танловининг 2 нафар ғолибига эсдалик совғалари топширилди.

● **БЕНЬКОВ** мусиқий коллежида бўлиб ўтган хайрия тадбири эса «Менинг бахтли болалигим» деб номланди. Тадбирда иштирок этган 137-мактабнинг мусиқа тўгараги аъзолари намойиш этган концерт томошаси йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

● **БАДИЙ** академиянинг кўргазмалар залида «Соғлом авлод» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган кўргазмада пойтахтимиздаги 3-15 ёшли болажонлар яратган расмлар намойиш этилди. Ғолиблар эса совғалар билан тақдирланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бўлиб ўтган «Барҳаёт анъаналар» кўрик-танловида Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллаларнинг фаоллари иштирок этишди.

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** болалар полиомиелит шифохонасида полиомиелит билан оғриган болажонларни замонавий усулда янги технологиялар билан даволашга мўлжалланган бўлим иш бошлади.

● **АЛИШЕР** Навоий номли академик Катта театрида санъат шинавандаларига Мухтор Ашрафийнинг «Диларом» операси янгича талқинда намойиш этилди.

ТРАНСПОРТ

«Йўловчи автохизмат» ёрдамида

Транспорт воситаларини техник таъмирлаш орқали уларнинг хизмат кўрсатиш муддатини узайтиришга эришилмоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси соҳанинг бу йўналишини кенг йўлга қўйиш борасида қатор муҳим техник тадбирларни амалга оширмоқда.

Уюшма таркибида «Йўловчи автохизмат» ҳиссадорлик жамиятининг тузилиши бу борада муҳим янгилик бўлди. Бугунги кунда корхонада 100 дан ортиқ бригада фаолият кўрсатмоқда. Улар турли модификациядаги транспорт воситаларини сифатли таъмирлаш билан шуғулланишмоқда. Бу ерда РАФ, «Мерседес-Бенц» русумли транспорт воситалари умрига умр қўшилмоқда.

Корхонада имтиёзли равишда сервис-техник хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга ҳам киришилди.

Айни вақтда давлат муассасаларида ҳайдовчилар манфаатларини ҳимоя қилишни ҳам корхона маъмурияти ўз зиммасига олган.

(Ўз мухбиримиз)

ФУТБОЛ

Республика босқичида қатнашишади

Маълумки, ёш иқтидорли футболчиларни аниқлаб, уларга катта спорт сари йўл очиш, болажонларнинг ёзги таътилларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган «Футболимиз келажаги» мусобақаларининг шаҳар финал босқичи беллашувлари ҳам бошланиб кетди.

Юнусобод туманидаги «Асбобсоз» стадионида 12-14 ёшлилар ўртасида ўтказилган финал учрашувида Акмал Икромов туманининг Ойдин Собирова ҳамда Чилонзор туманидаги «Гулистон» маҳаллалари ғалаба учун кураш олиб боришди.

Ўйинда чилонзорлик ёш футболчиларнинг устунликлари сезилиб турди. Учрашув бошларида улар ҳисобни очиб олдинга ўтиб олган бўлсалар, иккинчи бўлим ўрталарида иккинчи тўпни киритиб, ўз устунликларини мустаҳкамладилар. Учрашув якунланишига беш дақиқа қолганида рақиблари пенальтидан тўп киритган ҳолда ҳисобни қисқартиришди. 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган мураббий Аъзамхўжа Зиёвиддинхўжаевнинг шогирдлари Республика финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ғолиб жамоа кўчма кубок, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, мусобақанинг энг яхши дарвозабон, ҳимоячи, ярим ҳимоячи ва ҳужумчилари ҳам аниқланиб, улар муносиб тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Ғалаба билан бошлашди

ЎТГАН КУНИ

мамлакат XI миллий чемпионатининг 16-тур учрашувлари билан иккинчи давра мусобақаларига старт берилди.

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган кўп минг сонли футбол ишқибозлари пойтахт бош жамоаси ҳамда Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси футболчилари ўртасида кечган қизиқарли беллашувнинг гувоҳига айланишди. Очиғини айтиш жоиз, ўз сафини бир қатор иқтидорли футболчилар билан тўлдирган «Дўстлик» жамоаси «Пахтакор»га қаршилик қилишга уриниб кўрди. Аммо 10-дақиқадаёқ Гочкули Гочкулиев томонидан йўлланган гол пахтакорчиларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Ҳар сафаргидек тезкор, шиддатли ҳужумлар уюштирган тошкентлик футболчилар яна Гочкули Гочкулиев ва Сервер Жеперовларнинг рақиблари дарвозасига киритган тўпларидан сўнг учрашувни 3:0 ҳисобида якунлашга муваффақ бўлишди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Самарқанд-Динамо» — «Навбаҳор» 0:5, «Бухоро» — «Андижон» 3:2, «Сўғдиёна» — «Металлург» 0:2, «Зарафшон» — «Қизилқум» 0:2, «Қўқон —1912» — «Нефтчи» 0:4, «Насаф» — «Сурхон» 5:0, «Трактор» — «Машъал» 4:2.

Навбатдаги 17-тур баҳслари 10 август куни бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хорижий мамлакатлардаги етакчи олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқини берадиган грантларни олган «Умид» жамғармаси танлови ғолибларини табриклади.

● Вазирлар Маҳкамаси республикада китоб савдосини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарорга мувофиқ «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди.

● Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлисида 2002 йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича фаолият якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 июлдаги мажлисида берган кўрсатмаларидан келиб чиқиб, соҳани тубдан ривожлантириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

● Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва бошқа республика ташкилотларининг 2002 йил биринчи ярим йиллигида қишлоқ аҳоли пунктларини газ ва сув таъминоти тармоқларига улаш борасидаги вазифаларни бажариш бўйича ишлари якунлари таҳлил қилинди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги махсус комиссиянинг Камолиддин Беҳзод музейига туҳфа сифатида, унинг бетакрор миниатюра асарларидан слайдлар, факсимил репродукцияларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Шарқшунослик институти билан биргаликда «Бухоро араб истилоси даврида: манбалар, қазилмалар, тангалар» мавзуида халқаро илмий-назарий семинар ўтказди.

● Гулистонда Сирдарё вилоят Маънавият ва маърифат маркази мажмуи қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Мажмуадан кутубхона ва вилоятда рўйхатга олинган бешта миллий маданий марказларнинг хоналари ўрин олади.

● «Прагма» корпорацияси Тошкент шаҳрида, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва пойтахт бизнес уюшмалари вакиллари учун USAIDнинг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш дастури бўйича «Стратегик режалаштириш» мавзуида беш кунлик семинар ўтказди.

● Наманганда янги бокс клуби ва халқаро турнирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Хитой, Сурия, Тожикистон ва Қирғизистон боксчилари иштирок этишмоқда.

Жаҳонда

● 2001 молиявий йил натижалари бўйича дунёнинг 1000 та энг йирик банки рўйхатини эълон қилган «The Banker» журнали маълумотларига кўра «Асакабанк» журнал рейтингида 947- ўринга лойиқ топилди.

● Ҳиндистонда чоп этиладиган «Socialook internaftional» журналининг июль сони Ўзбекистонга бағишланган мақола ва фотолавҳаларига ўз саҳифаларида нашр этди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш дунё миқёсидаги тарғибот департаментини тузишга қарор қилди. Шу йил кузда ўз фаолиятини бошлайдиган мазкур департамент АҚШ маъмуриятининг режа ва фикрлари, қисқаси, дунёқараши халқаро майдонда тўғри талқин қилиниши ҳамда тўғри шаклланишига масъулдир.

● Латвия, Литва, Польша ва Эстония Президентлари Палангада НАТОга ва Европа Иттифоқига кириш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни муҳокама қилдилар.

● Жанубий Африка Республикаси пойтахти Преторийда мамлакат Президенти Табо Мбеки ва БМТ Бош котиби Кофи Аннан васийлигида Руанда ва Конго Демократик Республикаси Президентлари Пол Кагам ҳамда Жозеф Кабила тарихи 1994 йилга бориб тақаладиган ўзаро урушга чек қўйиш мақсадида тинчлик сулҳига имзо чекдилар.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ироқ ҳукуматининг БМТ инспекторларини музокаралар олиб бориш учун Бағдодга ташриф буюриш ҳақидаги таклифини маъқуллади.

● Украина Президенти Леонид Кучма 31 июль куни Донецк шаҳридаги конда юз берган фожиа сабаб 31 июль куни мамлакатда мотам куни деб эълон қилди. Портлаш юз бериши боис, шу куни конда ишлаётган 20 киши ҳаётдан кўз юмган эди.

● Украина Вазирлар Маҳкамаси Засядько номидаги шахтада рўй берган фожиа оқибатларини бартараф этиш, қурбон бўлганлар оилаларига ва жабрланганларга ёрдам бериш учун 3 миллион гривна (тахминан 564 минг АҚШ доллари) ажратишга қарор қилди).

● Яҳудийлар университетининг талабалар шаҳарчасида кучли портлаш юз берди. Оқибатда етти киши ҳаётдан кўз юмди, саксонга яқин одам турли даражада яраланди. Ўлганлар ва жабрланганлар орасида Жанубий Корея, Япония, Туркия ва АҚШ фуқаролари ҳам бор.

● Афғонистоннинг Пактия вилояти Ургун аҳоли пунктидаги бозорда 1 киши патруль хизматини ўтаётган америкалик аскарлар ўзи томон яқинлашаётган вақтда кўйлаги остига яширган портловчи моддани портлатиб юборди. Натижада АҚШ аскарларининг уч нафари ҳалок бўлди.

● АҚШнинг йирик авиакомпаниялари 11 сентябрга мўлжалланган рейсларни кеҳкин камайтиришини маълум қилди. Сабаби аён: иримчи одамлар учун бу кун энг қора кун сифатида умрбод сақланиб қолади.

● Каспий денгизида Россия қуролли кучлари кенг миқёсли ҳарбий ўқув машқларини ўтказаётган бўлиб, унда 60 дан ортиқ жанговар кема, 10 минг нафар ҳарбий, 30 та самолёт ва вертолёт иштирок этмоқда. Ҳарбий ўқувлари икки ҳафта давом этади.

● Греция полицияси мамлакатда тақиқланган «17 ноябрь» террорчилик гуруҳининг фаол аъзоларидан бири, босқинчилик, қотиллик ҳамда 1991 ва 1994 йилларда икки туркиялик дипломантни ўлдирганликда айбланаётган 41 ёшли Сотирис Кондилисни асирга олди. Маълумки, ушбу гуруҳ шу пайтгача 23 нафар чет эл фуқароларининг ҳаётига зомин бўлган.

● Польша ўзининг шарқий чегараларини мустаҳкамлашга киришди. Режага кўра Россия, Беларусь ва Украина билан чегарадош ҳудудларни ҳозирдагидан беш мингдан кўп чегарачи кўриқлайди. Бундан ташқари, қайтадан техника билан қуроллантирилади. Бу Польшанинг 2004 йилда Европа Иттифоқига кириши муносабати билан амалга оширилмоқда.

● Ҳиндистон ҳукумати Буюк Британиядан 66 та «Хоук» русумли ўқув самолётларини сотиб олишга розилик билдирди. Шартнома баҳоси эса 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

● Покистон Президенти Парвез Мушарраф Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи номига бир яшик манго меваси жўнатди. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, бу қадимий одат бўлиб, ҳар йили амалга оширилади. Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котибининг сўзларига қараганда, манго Покистон элчихонаси орқали Деҳлига — Ҳиндистон Бош вазирига етказилди.

● Шу йил кузда «Общественное российское телевидение» (ОРТ) очиқ акциядорлик жамияти ўз номини ўзгартиришга қарор қилди. Бу ҳақда «ОРТ»нинг бош директори Константин Эрнст хабар тарқатди. Унинг айтишича, жорий йилнинг кузидан бошлаб «ОРТ» «Биринчи канал» ОАЖ, деб юритилади.

● Новосибирск вилоят суди таниқли спортчи Виктор Тихоновни россиялик машҳур сиёсатшунос ва Кемерово губернатори Омон Тулеев ҳаётига суиқасдни уюштирганлиги учун тўрт йилга қаттиқ тартибли қамоқ жазосига ҳукм қилди.

● Германия ва Польшада давом этаётган сурункали ёмғир ва довуллар икки кишининг ҳаётига зомин бўлди. Гамбург полицияси вакилининг айтишича, айни пайтда шаҳар сув остида қолди. Шунингдек, Испанияда ҳам кучли ёмғир ёққан.

ИСТИҚЛОЛ — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Озод ШАРАФИДДИНОВ

ТОШКЕНТНИНГ МЕҲРИГИЁСИ

Тошкентнинг беқиёс ва бетакрор меҳригиёси бор. Бир марта унинг ҳавосидан тўйиб нафас олган одам умрбод бу шаҳардан кўнгил узолмайди, уни яна ва яна кўргиси келаверади. Ота-боболаримиз бежиз айтишмаган — Тошкентнинг сувини бир марта тотиган чумчуқ Маккатиллодан ҳам қайтиб келар экан. Мен дарров ҳиссиётга бериладиган сентиментал одам эмасман. Лекин ҳар гал бирон олис юртга ёхуд бирон донги кетган шаҳарга бормай, у жойларда уч кунгина яйрайман, холос. Уч кун ўтиши билан юракни соғинч туйғулари ўртай бошлайди. Борган жойларим ҳар қанча мириқиб томоша қиладиган гўшалар бўлмасин, барибир, Тошкент кўчалари, майдонлари, бозорларининг суроні, одамларнинг чеҳраси кўз ўнгимдан ўтаверади, тезроқ сафар томон бўлса-ю тезроқ қанот бойлаб шаҳримга учсам деган иштиёқда кун санай бошлайман. Ҳа, Тошкентнинг меҳригиёси ана шунақа сирли ва қудратли.

Мен Қўқонда туғилганман, лекин тақдир тақозоси билан олти ёшимда Тошкентга келиб қолгандим. Шундан бери умрим шу шаҳарда кечмоқда. Шу ёшга кириб нимаики рўшнолик кўрган бўлсам, қандай мартабаларга эришган бўлсам, қандай бахтиёр ва баъзан қайғули кунларни бошдан кечирган бўлсам ҳаммасини ана шу Тошкент деган шаҳри азимда кўрганман, шу шаҳар туфайли кўрганман. Тошкентда ўқидим, университетни тугатдик, дўстлар орттирдим, шу ерда уйландим, фарзандларим туғилди, ёзувчи дўстларимнинг меҳрига қондим, улар билан талашдик, тортишдик, баҳслашдик, ақлимга ақл қўшилди. Тошкентда биринчи китобларим чиқди, қирқ йилдан ортиқ дорилфунунда дарс бердим, шу ерда эл-юртнинг назарига тушдим. Айни ана шу шаҳри азимда Юртбошимиз кўксимга «Буюк хизматлари учун» орденини тақиб қўйди. Бу қутлуғ шаҳар бувижоним ва онамнинг мангу уйқуларини ўз бағридан жой берди. Шундоқ экан, нечук бу шаҳар мен учун энг азиз, энг қадрли маскан бўлмасин? Не учун унинг муҳаббати қалбимни тўлдириб-тоширмасин? Нима учун ундан жиндай нари кетсам уни соғинмай ва қуш инига талпингандай тезроқ унинг бағрига қайтишга ҳаракат қилмай? Бу қутлуғ шаҳарнинг кўпгина кўчаларида, майдонларида, иморатларида, боғ-роғларида менинг умримдан парчалар қолган. Дунёда шаҳарлар кўп. Тошкентдан каттароқ, тарихи бойроқ, майдони кенгроқ, довруғи баландроқ шаҳарлар бор. Лекин, барибир, улар ўртасида Тошкентнинг ўрни аҳралиб туради. Мен буни шу шаҳарнинг фарзанди бўлганим учун, «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига» деган гапга амал қилиб айтаётганим йўқ. Менинг назаримда, Тошкент муборак шаҳар, унга дуо кетган, унинг боши тошдан ва оллоҳ бу шаҳарни меҳригиёлик қилиб яратган. Бу шаҳар ўз тарихида нималарни кўрмади? Қанчадан-қанча босқинларни, табиий офатларни бошидан кечирмади? Не-не фотиҳлар, бу дунёнинг зўрлари Тошкентни тобе қилишга ҳаракат қилмади, кучлари етмаганда уни вайрон қилиш пайига тушмади? Лекин Тошкентнинг қадди букилмади, боши эгилмади, у ҳеч кимга тобе бўлмади, ҳеч кимга тиз чўкмади. У баайни оловлар ичидан омон чиққан афсонавий қақнусдек яна қаддини мағрур кўтараверди. Ўз йўлида комил ишонч билан олға босишда давом этаверди. Бизнинг кунларимизда эса бу қутлуғ шаҳарнинг яна бир сифати, яна бир ноёб фазилати намоён бўлмоқда — шаҳримиз ҳар қанча кўҳна ва қадимий бўлмасин, ҳали яшариш қобилиятини йўқотмаган экан. Унинг мустақиллик йилларидаги шижоатли одимларига бир эътибор беринг, ўн бир йил ичида унда пайдо бўлган янги кўчалар, янги майдонларни кўз олдингизга келтиринг, шаҳарнинг турли бурчакларида қад кўтарган бири-биридан гўзал иморатларни, спорт иншоотларини, ўқув юртларини сананг. Майли, ҳаммасини эмас, лоақал Миллий театримизнинг ва Давлат консерваториясининг янги биносини кўз олдингизга келтиринг. Буларнинг ҳаммаси фақат сўнгги ўн бир йил — ҳа, ўн бир йил ичида қурилди-я! Бу мўъжиза эмасми? Беихтиёр улуғ бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг «Бизнинг ким эканимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ!» деган гапларини тақрорлагинг келади. Бу мўъжизани ўйлар экансан, уни барпо этган одамларга, уларнинг шижоатига қойил қолмай иложинг йўқ, бу қурилишларга бош-қош бўлган, уларга раҳнамолик қилган, жонажон шаҳримизнинг жамолини яшнатган Юртбошимизга «баракалла!» демоқдан ва узоқ умр тиламоқдан ўзга илож йўқ. Бошингиз тошдан бўлсин, муҳтарам Ислом ака! Халқимиз бахтига ҳамиша соғ-омон бўлинг, узоқ йиллар умр кўринг. Мен шу ўн бир йилда эришилган ютуқларни бирма-бир ёзсам. Булардан ташқари Тошкентнинг ҳамиша нон шаҳри бўлиб келганини, ҳамиша етим-есирларнинг бошини силаганини, бугун ҳам тинчлик шаҳри сифатида бутун дунё бўйлаб обрўйи ортиб бораётганини, ҳатто Америкадек забардаст бир мамлакат ҳам у билан ҳамкорлик қилиш йўлига кирганларини бирма-бир ёзсам, дейман. Куни кеча юртимизга Американишт молия вазири келди, у шаҳримиз билан танишди, унинг бозорларида бўлди. Кейин мухбирларга берган интервьюсида Тошкент бозорларидаги мўл-кўлчиликка, арзончиликка қойил қолганини айтди... Мўл-кўлчилик масаласида вазир юз фоиз ҳақ. Унинг гапларини эшитиб ўтириб, бу чакана одам эмас, назаркарда инсон, бозорлардаги мўл-кўлчиликда эртага бошланадиган буюк фаровонлигимизнинг, юртга келаётган тўқчиликнинг нишоналарини кўрган бўлса, не ажаб?!— деган хаёлларга бордим. Ва умуман, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Ўтган йили пахтамиз яхши бўлди, бу йил буғдойдан мислсиз ҳосил кўтардик. Эҳтимол, булар меҳнаткаш, мушфиқ халқимиз учун ҳам мушкулотлар тугаб, фаровонлик даври бошланаётганидан бир нишона бўлса нима дейсиз? Иншоолло, шундай бўлсин. Тошкент тўғрисида гапираман деса, ҳали гап кўп. Нафақат бутун шаҳар, балки унинг бир кўчаси, наинки кўчаси, бир гузари ёхуд бир маҳалласи тўғрисида ёзаман десангиз тўрт қоғоз нима — тўрт юз қоғозга ҳам сиғмайди.

Тошкентнинг меҳригиёси бор дедик. Яқинда бир ёш шоирнинг шеърини ўқиб қолдим. У бугунги кунда Тошкентга бизнинг юртимизга хориждан кўп одам келаётганини ва улар бу ердан меҳр олиб кетаётганини ёзипти. Назаримда, бу шоир жуда топиб айтибди. Чиндам ҳам, шаҳримиз бугун бутун дунёни лол қолдириб, унга меҳр улашяпти. Чиндан ҳам, агар зарур бўлса, Тошкентни Меҳробод деб атаса ҳам бўлади.

Азиз ҳамшаҳарларим! Шаҳарларнинг буюклиги фақат тарихи-ю бинолари билан белгиланмайди. Уларни улуғ қиладиган нарса, биринчи навбатда, шу шаҳарда яшайдиган одамлар, уларнинг фидойилиги, меҳнати, ижодкорлиги ва энг муҳими — қалбининг меҳрга лиммо-лим тўлиқлиги.

Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин, замонамиз тинч ва мустаҳкам, дастурхонимиз тўкин бўлсин, оиламиз бошидан бахт аримасин. Шундай бўлса, бизнинг жонажон она шаҳримиз бўлмиш Тошкент бутун дунёга меҳр нурларини таратишда давом этаверади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Якунлар кўриб чиқилди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича шаҳар ҳудудий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2002 йил биринчи ярим йиллиги давомида олиб борган ишлари ҳақидаги асосий масала кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги ана шу масала юзасидан иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Баҳром Ҳамиджонов ахборот берди. Ўтган давр мобайнида кўрилган чора-тадбирлар ва корхоналар томонидан молиявий соғломлаштириш бўйича қилинган ишлар натижасида жами зарар кўриб ишлаётган 195 та корхонадан 137 таси ўз зарарларини қопладилар. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан умумий зарар миқдори 6898378 минг сўмга камайди. Энг кўп зарар кўриб ишлаётган корхоналар фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг зарар кўриб ишлашининг асосий сабаблари: иш ҳажми йўқлиги, яъни буюртмачилар билан шартномалар тузилмагани, иш фаолиятининг мавсумийлиги, буюртмачиларда маблағ йўқлиги, таъмирлаш ишлари олиб борилгани, маҳсулот сотиш ҳажмининг йўқлиги ва қайта баҳолаш натижасида амортизация ажратмаларининг кўпайишидир. Ярим йил давомида 48 та корхона иқтисодий ночор бўлиб, уларни молиявий соғломлаштириш мақсадида корхона раҳбари ва юқори ташкилотлар билан биргаликда чора-тадбирлар белгиланди. Ўтган олти ой давомида 11 та корхона иқтисодий ночорлик ҳолатидан чиққан, 2 та корхона тугатилди ва 4 та корхонага банкротлик тамойили қўлланилди.

Санация бўлими томонидан 2002 йил январь-июнь ойларида шаҳримиздаги 11 та санация ва ташқи бошқарув жараёнида бўлган корхоналар бўйича мониторинг ўтказилди. Ана шундай корхоналардан бири «Ўзтўқимачимаш» жамоасида санация даври мобайнида соф тушум режа бўйича 51,1 фоизга бажарилган. Бунга сабаб корхонада асосий маҳсулот — тўқимачилик дастгоҳлари ва уларни таъмирлаш қисмлари ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар қисқариб кетган. Корхона ички имкониятлари ҳисобига Соғлиқни сақлаш, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг буюртмаларини бажариб фойда олиб ишламоқда. Тўлов муддати кечиктирилган қарзларнинг 147100 минг сўми қайтарилган ва ички имкониятлардан 134000 минг сўм корхона ҳисоб рақамига тушган. Санация даврида корхона 48600 минг сўм соф фойда олган.

«Фотон» акциядорлик жамияти 15 ойлик санация даврида 58100 минг сўм соф фойда олган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг иккинчи ярмида деярли ортмаган ҳолда янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Соф тушум 1317440 минг сўм режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 1381845 минг сўмга, яъни 104,8 фоизга бажарилган. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми ортмоқда.

Шунингдек, «Семурғ», «Ўзметалсавдо» акционерлик жамиятлари, 1-сон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарда олиб борилган мониторинг ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Пойтахтимиз бўйича ўтган ярим йил давомида шаҳар хўжалик суди томонидан 154 та корхона банкрот деб эътироф этилди, шулардан 53 тасида тугатиш ишлари якунига етказилди. Шунингдек, ўтган йилда банкрот деб эълон қилинган 84 корхонанинг 67 тасида тугатиш ишлари ниҳоясига етган бўлиб, қолганларида шаҳар солиқ бош бошқармаси ва прокуратураси билан биргаликда қисқа муддатларда тугатиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Мажлисда ахборот юзасидан музокарага чиққанлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш ишларини жадаллаштириш, ушбу корхонада ишсиз қолган фуқароларни иш билан таъминлашга эътибор қаратиш хусусида ҳам мулоҳазалар айтилди. Кўрилган масала юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Фикрлашиб олишди

Тошкент метросининг навбатдаги йўналиши «Собир Раҳимов — Сергели» деб номланадиган бўлди.

Ҳозир ана шу улкан бунёдкорлик ишларини бошлаш билан боғлиқ ташкилий ва лойиҳавий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, янги ерости темир йўлини бунёд этишда чет эл сармояларидан ҳам фойдаланилади. Хусусан, Хитой Республикаси метросоз мутахассислари янги лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этадилар.

Шу муносабат билан Хитой Республикасининг инвестиция корпорацияси ҳамда Халқаро ҳамкорлик компанияси делегацияси Тошкентга ташриф буюрди.

Хитойлик меҳмонлар «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси раҳбарияти томонидан қабул қилинди. Учрашувда Хитой Республикасининг янги метро йўлини қуришда Хитой томони иштироки масаласи атрофлича кўриб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Магистрантлар изланишда

«Юлдуз» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти цех ва участкаларида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш масалаларини ҳал этишда изланувчан ёшларнинг ҳам иштироки катта бўлмоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти саъй-ҳаракати билан корхонада янги техникаларни қўллашга доир қатор ишланмалар тавсия этилди.

Олий ўқув юрти иқтидорли талабалари изланишлари билан юзага келган янгиликлар ҳам корхона ишлаб чиқаришига татбиқ қилина бошланди. «Корхонанинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи техник омиллар» деган мавзудаги изланиш ҳам эътиборни ўзига тортади.

«Корхонада маҳсулот турларининг шаклланиши», «Инвестицион сиёсат — иқтисод юксалишнинг муҳим омили» каби мавзуда бажарилган изланишлар ҳам олий ўқув юрти магистрларининг илмий ютуғи деб баҳоланди.

Бу каби илмий тавсиялар корхона ишлаб чиқаришини техника асосида йўлга қўйишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ

Пахтачилик саноатини янги техникалар асосида ривожлантириш ишига изланувчан талаба ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти магистрантлари олиб бораётган тадқиқотлари ҳам бу борада амалий аҳамият касб этмоқда.

Амалий аҳамият касб этмоқда

«Пахтани қайта ишлаш машиналари батареясини таъминлаш нотекислигини баҳолаш қурилмаси» деб номланган изланиш ҳам эътиборни ўзига тортади. Бир гуруҳ ёш тадқиқотчиларнинг бу иши «Ёш олимларнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил ва матбаа саноатларининг ривожига қўшган ҳиссалари» деган мавзуда ўтказилган республика анжуманида яхши баҳо олди.

Мазкур анжуманда «Пахтани дастлабки қайта ишлаш миқдори ва сифатини ошириш», «Пахтани ҳаво фавворасида қуритиш», «Пахта тозалаш заводлари чиқараётган чангни тутиб қолиш йўллари» каби маърузалар ҳам қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари «Пахта ғарамини қатлами бўйича қайта ишлаш технологиясини яратиш» деган илмий чиқиш кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

(Ўз мухбиримиз)

Йўловчиларга қулайлик

Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси томонидан кўрилаётган тадбирлар ўз ижобий самараларини бермоқда.

Кейинги вақтда шаҳримиздаги қатор транспорт йўналишлари узайтирилиб, йўловчиларга қулайликлар яратилди.

19-автобус йўналиши ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатадиган бўлди. Унинг оралиқ қатнов масофаси узайтирилди. Эндиликда бу йўналишдаги автобуслар «Яланғоч» мавзеси билан «Пахтакор» метроси бекати оралиғида қатнай бошлади. Бу эса пойтахтимизнинг шимоли-шарқий қисмини Эски шаҳар билан боғлаш имконини беради.

Шунингдек, 65- ва 85-автобуслар йўналишларида «Фахрийлар пансионати» бекати таъсис этилди.

Аббос АКРОМОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Истеъмолчи ҳуқуқи қандай ҳимояланмоқда?

Истеъмолчи савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари, бозордан ўзи учун керакли нарса харид қилар экан, баъзида ана шу соҳа ходимларининг ўзбошимчаликларидан, яъни харидор ҳақига ҳиёнат қилиш, тарозидан уриб қолиш, нуқсонли товарни сотиш, сифатсиз хизмат кўрсатишига дуч келади. Аммо кўпчилик истеъмолчилар бунга қаршилик кўрсата олмайдилар. Бунинг асосий сабаби нима, нима учун истеъмолчи ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олмайди? Ушбу ва бошқа саволларимизга Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Баҳодир УМАРОВдан қуйидаги жавобларни олдик.

— Афсуски, оз сонли истеъмолчиларимиз ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни билсаларда, кўпинча ана шундай ҳолатлар рўй берганда бефарқ қарайдилар. Бу эса инсофсиз ишлаб чиқарувчилар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим ходимларига ниҳоятда қўл келиб, улар истеъмолчининг бефарқлигидан фойдаланиб унинг ҳуқуқларини менсимасликка, ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг давом этишига имкон беради. Бу борада аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билангина вужудга келган вазиятни истеъмолчи фойдасига ҳал этиш мумкин. Афсуски, ҳамма ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайди. Лекин бу билан истеъмолчи ҳуқуқсиз ва ҳимоясиз деб бўлмайди, аксинча мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатловчи кучли ҳуқуқий негиз яратилган. Улар жумласига «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарнинг келиб чиқиш жойи (манзили, тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотни сотувчилар, ижрочи ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини кенг қамрайди.

— Истеъмолчи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун нималарга эътибор қаратиши лозим?

— Авваламбор истеъмолчи ўз ҳуқуқларини қонунлар, шунингдек товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш қоидаларидан ташкил топган қонунчилик билан ҳимоя қилинишини билиши керак. Бу эса унга товарларни сотиб олишда, хизматларга буюртма беришда ёки ишларнинг бажарилишида ишонч ва дадиллик беради. Ҳар бир харидор дўконга кириб харид қилаётганда товар, унинг хусусиятлари, сифати, фойдаланиш, ишлатиш шартлари, кафолатлари, яроқлилик муддати, шунингдек, товарни ишлаб чиқарувчи, уни нархи (баҳоси) товар хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги ва сотувчи тўғрисидаги барча маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Шуни унутмаслик керакки, истеъмолчи ўзи учун керакли сифатли товарларни эркин тарзда танлаш ҳуқуқига эга.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилганда сотиб олиш санаси, товарнинг қиймати ва айнан шу корхонада сотиб олинганлигини тасдиқловчи касса чеки, тилхат, квитанция ёки бошқа ҳужжат берилишини талаб қилиш шарт. Агар сотиб олинаётган товарларнинг техник паспортлари мавжуд бўлса, у ҳолда буюмнинг сотилган санаси кўрсатилган белги қўйишни талаб қилиш керак бўлади. Сотувчининг имзоси, корхонанинг муҳри ёки тўртбурчак штампи билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Сотиладиган товарларда улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома, ундан фойдаланиш қоидалари ёки товар тўғрисидаги бошқа маълумотлар илова қилиниши керак. Мабодо ана шу маълумотлар тақдим қилинмаса, товар тўғрисидаги ҳужжатлар йўқ бўлса ёки товарнинг келиб чиқиши тўғрисида шубҳа пайдо бўлса, шунингдек, мувофиқлик сертификати йўқ бўлса, сотувчи товар сотиб олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортса, бундай товарни сотиб олишдан ўзини тийган маъқул.

— Ҳуқуқлари бузилиш ҳоллари содир бўлганда истеъмолчи қандай йўл тутгани маъқул бўлади?

— Ана шундай ҳол содир бўлса, истеъмолчи зудлик билан корхонанинг мансабдор шахсига оғзаки раддия билан мурожаат этиши керак. Секция, бўлим мудири, дўкон директори, таъмирлаш устахонаси мудири ва бошқалар шундай мансабдор шахс ҳисобланади ва кўпчилик ҳолларда шундай мурожаатларнинг ўзи масалани ҳал этиш учун кифоя қилади.

Агарда истеъмолчи томонидан оғзаки мурожаат рад этилса, ушбу ҳол бўйича даъво хати ёзилиши керак бўлади. Хатда даъвонинг мазмуни баён этилиб, далиллар кўрсатилади ва қонунчилик билан белгиланган тартибда бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаблари келтирилади. Бундан ташқари хатда истеъмолчининг ҳуқуқларини ихтиёрий равишда қондириш талаблари ҳам келтирилиши керак.

— Акс ҳолдачи? Истеъмолчи ҳимоя учун қаерга мурожаат қилиши керак?

— Истеъмолчи ўзини ҳимоя қилиш учун давлат идораларига, яъни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш устидан назоратни амалга оширадиган республика монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа махсус ваколатли органларга, маҳаллий ҳокимият идораларига ёки судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Шу билан бир қаторда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида истеъмолчи Ўзбекистон истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат федерацияси, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари орқали ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Федерация ўз фаолиятини истеъмолчиларнинг саводхонлиги ва давлатнинг истеъмолчилик сиёсатини ташвиқот қилиш бўйича йўналишларда амалга ошириб, шунинг баробарида истеъмолчиларга маслаҳатлар беради, улардан тушган аризаларни кўриб, зарур ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам кўрсатади, судларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

— Бошқармангиз томонидан истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бажарилган ишлар юзасидан миссоллар келтириш мумкинми?

— Албатта, масалан Бухородан Тошкентга меҳмон бўлиб келган фуқаро Раҳмон Алиев бизга шикоят хати билан мурожаат этди. У шу йилнинг 30 июнь куни пойтахтимиздаги Марказий универсал магазини ёнидаги китоб сотиш растасида тадбиркор Эдуард Цойдан 25.000 сўмлик «Лекорственние средство» деб номланган китоб сотиб олган. Лекин китобнинг бетлари тўлиқ эмас экан. Э.Цойга мурожаат этганда у пулни қайтаришни рад қилган. Бошқармамиз ёрдами билан Э.Цойга «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари тушунтирилиб, истеъмолчи Р.Алиевга китобнинг пули ундириб берилди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, «Дилхуш» кўчаси, 33-уйда яшовчи истеъмолчи А.Исматхўжаев хонадонидаги 79-68-77 рақамли телефон доимий равишда ишламаслиги, туман алоқа бўлимига июнь ойида 4 марта буюртма берганлиги, лекин ҳеч қандай чора кўрилмагани, ишламаган вақти учун ҳам телефон ҳақи тўлаганлиги ҳақида шикоят хати билан мурожаат этган эди. Бошқарма ходимлари аралашуви билан истеъмолчи ҳуқуқи тикланиб, 79-АТС линия муҳандиси огоҳлантирилди ва А.Исматхўжаевга телефони ишламаган кунлари учун 637 сўм қайтарилди. Яна бир мисол Тошкент шаҳри Миробод тумани Фарғона йўли кўчаси 222-уй 85-хонадонда яшовчи Т.Омоновнинг шикояти ҳам тўла қондирилиб, «Ўзтемирйўлйўловчиташиш» унитар корхонасига қарашли олдиндан чиптталар сотиш темир йўл кассасидан ундан ортиқча олиб қолинган фоиз—1188 сўм ундириб берилди.

Албатта, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бошқармамиз ходимлари истеъмолчиларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бундан буён ҳам имкониятларидан келиб чиқиб уларга мадад бўлишади. Фақат бу йўлда истеъмолчилар ҳам лоқайд бўлмасликлари лозим. Бошқармамиз қошида ташкил этилган 133-09-39 рақамли «Ишонч» телефони ҳамиша истеъмолчилар хизматида эканлигини ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларига эслатиб ўтамиз.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

Ёш авлод истиқболини ўйлаб

Жорий йилнинг олти ойи давомида 1234 нафар вояга етмаганлар профилактик назоратга олинган. Бу кўрсаткич 2001 йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча пасайган. Лекин ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятчилик 30 фоизга ошгани кузатилган.

Бу рақамлар шаҳар вояга етмаганлар комиссиясининг ярим йиллик ҳисобот йиғилишида ҳар томонлама таҳлил қилиниб, улар асосида жойлардаги туман комиссиялари фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Айтиб ўтиш жоиз, мазкур комиссия томонидан ҳисобот даврида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо яна бир бор юқорида келтирилган рақамларга назар ташласак, тарбияси оғир болалар, уларнинг оилалари билан олиб борилаётган ишлар мазмунан чуқур эмаслиги, вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида аксарият туман комиссияларига фаоллик етишмаётганини таъкидлаш мумкин.

Биргина Мирзо Улуғбек туманида ёшлар орасида жиноятчилик 311 фоизга кўпайган, июнь ойида эса ўсмирлар томонидан 13 та жиноят содир этилган. Таҳлилларга қараганда, туман вояга етмаганлар комиссияси ўтган 6 ой давомида фақат икки маротаба жойида назорат ишларини ўтказган, лекин бу ҳақда тўлиқ муҳокама олиб борилмаган.

Бундай ҳолатни Ҳамза туманида ҳам кузатиш мумкин. Ҳисоботда туман комиссияси томонидан кенг кўламдаги фаолият юритилгани кўрсатиб ўтилган. Бироқ туманда ўтган вақт ичида жиноятчилик юқорилагани барча қилинган ишлар самарасизлигидан далолат беради.

Шу билан бирга Юнусобод, Яккасарой, Чилонзор туманларида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик камайган, аммо қандай амалий ишлар ҳисобига жиноятчилик бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган туманларда ижобий натижаларга эришилгани таҳлили ўтказилмаган. Бундан ташқари, шаҳар бўйича фақат Чилонзор туманида ҳар бир назоратдаги ўсмирга махсус паспорт тузилиб, унинг асосида тарбияси оғир боладаги ижобий ўзгаришлар ҳисобига назоратдан чиқариш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бошқа туманларда ушбу самарали иш юзасидан маълумот бўлсада; бироқ комиссиялар кун тартибига ушбу тажрибани кенг жорий қилиш таклифи киритилмаган.

Йиғилишда туман комиссиялари ўз фаолиятига мувофиқлаштирувчи марказ сифатида ёндошиши, барча ваколатли идора ва ташкилотлар билан узлуксиз иш олиб бориши таъкидланди, шунингдек бу борада маҳаллаларда жорий этилган янги педагог-тарбиячи лавозимига лойиқ номзодлар тайинланишига ҳам алоҳида эътибор бериб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Янги номлар

Шаҳар топономия комиссиясининг таклифларига биноан Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ айрим кўчалар ва пойтахт ҳудудидаги бошқа объектлар номига ўзгартиришлар киритилди.

Туманлар кесимидаги ўзгартиришлар қуйидагича:

Ҳозирги номи	Янги номи
Мирзо Улуғбек тумани:	
Дағистон кўчаси	Муҳаммад Юсуф кўчаси
Юнусобод тумани:	
Антипов кўчаси	Мойиддин Нуриддинов кўчаси
Бодомзор 4-тор кўчаси	Ёқубжон Ниёзмуҳаммад кўчаси
Шайхонтоҳур тумани:	
«Ипакчи» маҳалласи ҳудудидаги гузар ортидаги номсиз берк кўча	Ипакчи берк кўчаси
Чилонзор тумани:	
«Тошсовет» номли кинотеатр	«Қатортол» кинотеатри

ТАДБИРЛАР

«Менинг маҳаллам»

Пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бўлмиш Ўзбекистон Миллий боғида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан миллий қадрият ва урф-одатларимизни тиклаш, жамият ҳаётида маҳаллаларнинг ролини янада кенгайтириш ва ёшлар тарбиясида кексаларнинг ўрнини кўрсатиш мақсадида Юнусобод туман ҳокимлиги, туман оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон телевидениеси ҳамкорлигида «Менинг маҳаллам» теле-шоуси бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда туманнинг Мирзо Улуғбек ва Фирдавсий маҳаллалари беллашдилар. Ҳар иккала маҳалла ҳам ўз чиқишларида ҳаётимизда маҳалланинг ўрни, оналик ва болаликни асраш, қарияларни қадрлаш бўйича қилинаётган ишлар, жамиятимизда учрайдиган турли муаммоларни тўлақонли очиб бердилар.

«Менинг маҳаллам» шоуси жуда кўтаринки рухда ўтди. Ҳар иккала маҳалланинг бадиий чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, шоуда маҳалланинг пиру бадавлат отахон ва онахонлари фаол иштирок этишди.

Шундай қилиб, беллашувда Мирзо Улуғбек маҳалласи ғолиб чиқди. Тадбир сўнгида шоунинг фаол иштирокчиларига туман ҳокимлиги ўз совғаларини тақдим этди.

Бахтиёр КАРИМОВ

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

БОЛАЖОНЛАРНИ ЎЙЛАГАНИМДА...

(Ён дафтарлардан қатралар)

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Болажонларни ўйлаганимда, дилим яйраб, ёшлигим қайтиб келгандай, ўзимни бардам сезаман. Гўё бир янги гаштли олам ичига кириб қолгандай руҳланиб кетаман. Ана шу руҳий кўтаринкилик менга куч, илҳом ато қилади.

* * *

Баъзан болалар адабиётини содда тилда битилган тор мавзулар доирасидаги адабиёт деб тушунадиганлар учрайдики, бу мутлақо тўғри тушунча эмас.

* * *

Болалар адабиёти жиддий олижаноб вазифага — ёш наслни келажак катта турмуш синовларига йўналтиришга қаратилган. Бу ишни бажарганда кичикларнинг ёш хусусиятларини тўла ҳисобга олиш, муҳим гапларни оддий тилда самимий, қизиқарли қилиб тушунтириш — муваффақият гаровидир. Ҳақиқий болалар ёзувчисида соддалик билан донолик омухта бўлади.

* * *

Баъзилар: болаларга фақат яхшилик ҳақида ёзган маъқул, дейишади. Шуни унутмайликки, кўпинча яхшилик ҳимояга, қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Уни ҳимоя этиш учун эса кучли бўлишинг, зарур келганда курашга тайёр туришинг керак. Демакки, вазифамиз — ҳаётда фақат нима яхшилигини эмас, нима ёмон ва нимага қарши курашиш зарурлигини ҳам кўрсатиб беришдан иборат.

* * *

Одам қанча улғаймасин, ҳар чоғ унга болалик табиати ҳамроҳ. Ҳаётдан ҳеч қачон тўймаслик, доим олға ундовчи кучлардан бири шудир.

* * *

Болажон халқимиз деб фахрланишни биламиз, аммо баъзан болалар ризқини қирқишнинг уволидан қўрқмаймиз.

* * *

Педагогик таълимда: боланинг ҳадеб ёмонликларини пеш қилавериш, катта-кичик айбларини юзига солиб кўнглини чўктираверишмаслаҳат кўрилмайди. Яхши томонларини ҳам айтиб, болада умид учқунларини туғдириш керак.

* * *

Муаллим ҳам ижодкор. У бутун кучи, истеъдоди сарфлаб, болаларда инсоний характерни яратади.

* * *

«Яхши» билан «Ёмон»ни ажратолган боладан келажакда катта нарсалар умид қилиш мумкин.

* * *

Болажонлар вақти келиб жамият ҳаётида муносиб ўрин ололсалар, бунинг учун аввало устозларидан миннатдор бўлмоқлари лозим.

* * *

Илм — билмак дегани. У, биринчидан ақл чироғи — фикрларни қўзғаб, ёритиб, равшанлаштиради, иккинчидан, идрокни пешлаб, зеҳнни очиб, кўп нарсани биладиган, олам сирларини тушунадиган қилади. Учинчидан, ақлга, зеҳнга чирой киритади, фикрингизга беками кўстлик, тиниқлик, ёқимлилик, кўркамлик бағишлайди.

Адабиёт-чи? Руҳий оламингизни бойитади. Инсон сифатидаги маънавий бисотингизни кенгайтириб, ахлоқий қиёфангизни камол топтиради.

* * *

Болалар-катта куч. Уларнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўринларини сира камситмасдан кўрсата бориш ёзувчиларнинг шарафли бурчи.

* * *

Фарзандлар ўзларига юктирган эзгу фазилатлар, кечирган масрур дамлари учун ўзларини дунёга келтириб, оёққа турғизмиш азиз зотлар — ота ва она олдида умрбод қарздордирлар.

* * *

Болажонларим, сизларнинг ҳар биригиз яратиладиган асарларимизнинг муносиб қаҳрамонларига айланишингизни чин дилдан истаймиз.

* * *

Мактаб ва ҳаёт — икки улуғ устоз. Уларга бутун умр қуллуқ қилсанг оз. Мактаб — ота бўлса, ҳаёт — она.

* * *

Ўғил бола туғилса дарёлар суюнармиш. Негаки болалар чўмилганда қуриб қолган тошлар баҳра оларкан. Қизлар туғилса қозон билан ўчоқ суюнади, дейишади.

* * *

Нега кўпроқ болаларга ёзасиз?

— Бунинг сабаби болаларни севганим учун десам, етарли бўлмас. Бошқалар ҳам ўз болаларини севади. Фақат севишда севиш бор. Ҳақиқий севги бу — талабчанлик ва раҳм-шафқат билан севишдир. Истайманки, бундай севги ҳамиша устун турсин. Кўр-кўрона бўлмасдан, соф, беғубор, маъноли бўлиб, фақат эзгуликка хизмат этсин. Сиз, болаларга истагим: сизлар ҳам ҳақиқий севгининг қадрига етиб, шунга лойиқ бўлинг.

* * *

Болаларда одамийлик фазилатларини уйғотиш, қалбларида она сути билан кирган сара куртакларни ундириш — ижодкорларнинг шарафли бурчларидир.

* * *

Одам умрбод икки қарздан қутулмайди. Биринчиси она олдидаги, иккинчиси — ер олдидаги қарз. Она туғади, ер боқади. Она — ер деб бекорга айтишмайди.

* * *

Қийшиқ ўтказилган ниҳолдан тўғри дарахт ўсиб чиқиши мумкинмас.

* * *

Китобни офтобга қиёс этишлари бежиз эмас. Китоб дилларни мунаввар этиб, ҳаёт ва мавжудот сирларидан воқиф этувчи бебаҳо хазина. Болалик даврингизнинг ҳар кун, ҳар соатини ғанимат сезиб, билимлар хазинасини қанча кўп ғамласангиз, келажак турмушда ўзингизгаям, ўзгаларгаям шунча асқотади.

* * *

Болажонлар мустақиллик биносининг ҳаётбахш кучлари, устунлари ҳисобланаркан, шу устунлар қанча бақувват бўлса, мустақиллигимиз шунча равнақ топади...

«ТОШКЕНТ» МАЪДАНЛИ СУВИДАН ИЧИШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ

«Озиқ-овқат саноат» уюшмасига қарашли «ШИФОБАХШ БУЛОҚ» очиқ турдаги акционерлик жамияти



«Шифобахш булоқ» очиқ турдаги акционерлик жамияти яқин 40 йил мобайнида республикамиз аҳолисини маъданли шифобахш сув билан таъминлаб келяпти. Ишлаб чиқарилаётган «Тошкент», «Занги ота» номли маъданли сувлар ошқозон-ичак, модда алмашинуви билан боғлиқ хасталиклар, ўт пуфаги, жигар, буйраклардаги тошли касалликларни даволашда катта самара беради. Ҳозирда маъданли сув ишлаб чиқараётган турли хил корхоналарнинг сони ҳаддан зиёд ортиши муносабати билан аҳолининг экологик тоза шифобахш сувларни тўғри танлай билиши катта аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳар, 700084, Х.Асомов кўчаси, 1-уй
Телефонлар: 34-55-79, 34-56-26, 34-57-91.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Клуб иш бошлади

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини сермазмун ўтишини таъминлаш, келажагимиз ворислари — ёшларга миллий ҳунармандчилик буюмлари ясашни ўргатиш, таътил кунларида ҳам уларнинг билим олишларига имкон яратиш йўлида шаҳримиз туманларида бажарилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Сергели туманидаги Шукур Бурхонов номли маҳаллада яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган «Қўли гул уста» клубининг ўқувчиларнинг севимли масканига айланиши шубҳасиз. Чунки туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сергели туман бўлими ҳамда Шукур Бурхонов маҳалла қўмитаси ҳамкорликларида бунёд этилиб иш бошлаган ушбу клубда наққошлик, тикиш, бичиш тўгараклари билан бирга болажонларга актёрлик маҳоратидан ҳам сабоқ берилмоқдаки, бу келажакда ёш авлоднинг театр санъатига қизиқишларини кучайтирибгина қолмай, балки нутқ маданияти шаклланишига ҳам катта ёрдам беради. Энг муҳими, эндиликда туманда истиқомат қилаётган келажагимиз ворислари ҳам ҳунар ўрганадилар, ҳам билим оладилар. Асосийси ўтказган вақтлари зое кетмайди.

(Ўз мухбиримиз)

ФАН ОЛАМИДА

Ўнғайлик туғдирувчи ишланмалар

Тошкент кимё-технология институти олимлари қатор саноат корхоналари мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатиб, тадқиқотлар самарадорлигига эришиб келмоқдалар. Олий ўқув юртининг «Саноат экологияси» кафедрасида амалга оширилаётган изланишлар эса оқава сувларни тозалаш технологиясини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

«Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳосил бўлаётган оқава сувларнинг ифлосланиши сабаблари атрофлича ўрганиб чиқилди. Оғир металларнинг ионлар таъсирида ифлосланиши ҳам аниқланди. Бу ҳол кўпинча деталларга электрокимёвий ишлов берилаётганда кўзга яққол ташланади.

Кафедра олимларининг «Ўрта Осиё кабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳосил бўлаётган ифлос оқава сувларни полиэлектролитлар ёрдамида тозалаш усули ҳам таклиф этилди.

Олимларнинг бу каби ишланмалари оқава сувларнинг тўхтаб қолишини бартараф этиш, сувлар нурланишининг олдини олиш имконини беради.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзи-ўзи ўргангич доно бўлур...

- Муҳаббат барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.
- Дунёда қуёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаббат оташидан кўра ўткирроқ оташ йўқ.
- Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт.
- Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.
- Севги ўлим дахшатидан кучлироқ.
- Эркак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўла қонли оҳанг беролмайди.

БАЙТ:

Ҳаяжон тўлқини, ҳасрат, табассум,
Ширин хаёллару, жон олар масъум,
Нозик иболару сенгадир исён —
Муҳаббат соҳиби бахтиёр инсон.

- Тўкилган обрў синган гулдонга ўхшайди — уни чегалаш мумкин, бироқ дарз кетган жойлари доимо кўриниб туради.
- Яхшиликларни йўққа чиқариш учун озғина нуқсон етарлидир.
- Яхши ишда ҳар доим саховат ҳам, куч ҳам бу юмушни охирга етказишга ҳаракат қилади.
- Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.
- Жамият кишиларининг фазилати хусусида фақат уларнинг ишларига қараб фикр юритиш мумкин.
- Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир.
- Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса душманлик юз беради. «Яхшиликка яхшилик» билан жавоб қайтариш бу оқилнинг ишидир.

ҲИКОЯТ. Оқ қалбли шер бир куни сичқонга яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан домга тушиб қолди. Шернинг яхшилигини эсидан чиқармаган тезфаҳм сичқон ўткир тишлари билан дом тугунларини қирқиб, ўз нажоткорини тутқунликдан халос қилди.

БАЙТ:

Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагинг бахтингни шундан топарсан.
Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,
Гулга гул бўлгину, тиканга тикан.

- Мунофиқлик, хушомадгўйлик ва икки юзламачилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларини сеза бил, унга нисбатан ғазабкор ва муросасиз бўл.
- Одамни ўзига мақташ хушомадгўйлик белгисидир.
- Фақат пасткаш одамгина олдингда мақтаб, орқангдан ғийбат қилади.
- Етти бошли аждардан эмас, тилёғламали одамлардан қўрқ.
- Кимки хушомадга учса, ҳимоясиз қолади.
- Яхшилик ниқобига ўралмаган ёки унинг кўмагига суялмаган бironта ҳам иллат йўқ.

БАЙТ:

Ишонмагил маддоҳ сўзамолларга,
Заррача наф учун сени мадҳ этар.
Бир куни муродин ҳосил этмасанг,
Икки юздан ортиқ айб санаб кетар.

- Донолар шундай дейди:

Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди. Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кунга обрў топади, аҳволи яхшиланади, ишлари равнақ топади. Баъзи ҳакимлар адабни энг масъул ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилар нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб — ақлнинг суянчиғи, барча фазилатларнинг жони.

- Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.
- Умр оқар дарё, ёшлик билан қарилик ораси ўта қисқа.
- Улуғликнинг белгиси кичикларга ҳиммат кўрсатмоқдир.
- Қариганингда ёшликдаги бутун куч-қувват безавол ишга сарф бўлганини ҳис этишдан ортиқ бахт йўқ.
- Ёшликда нима эксанг, қариганингда шуни ўрасан.
- Кексаларни ҳурмат қил, устидан кулма, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.

БАЙТ:

Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.
Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,
Буни тушунарсан қариган чоғинг.

- Оғир тош ердан минг азоб-уқубат билан кўтариб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб мартабага эришиш ҳудди шу тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек гап.
- Мажлисда «Бу ердан тур» демасликлари учун жойингни билиб ўтир.
- Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.
- Суви йўқ анҳорнинг қадри йўқ.
- Донолар дейдиларки, агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчиларидан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин. Токи уни изловчилар орзу ғаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар, аксинча эътибор тамғасини нафс итининг бўйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъна кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланиб, қорин тўйдириш пайида бўлса, яхшиси, обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тиланчилик қилгани маъқул.

Футболимиз Ватанига сафар

Маълумки, айни пайтда Ўзбекистон футболининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Республикамиз Футбол федерацияси ташаббуси билан жойларда футболимиз фахрийлари ва чарм тўп мухлислари ўртасида қизиқарли учрашувлар, футбол ҳафталиклари, футбол-шоу байрамлари ўтказилмоқдаки, бундан нафақат фахрийлар, балки ишқибозлар ҳам бениҳоя мамнун бўлишмоқда. Ушбу байрам муносабати билан Ўзбекистон футбол фахрийлари ва етакчи спорт журналистларидан иборат гуруҳ яқинда футболимиз Ватани ҳисобланмиш Фарғона водийсида бўлдилар.

Сафар чоғида фахрийлар Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида «Футбол кўчма музейи» экспонатларини намойиш этишиб, ишқибозлар билан учрашувлар ўтказишди.

Шунингдек, футбол-шоу байрами тадбирлари, стадионларда ўтказилган санъат ва спорт байрамлари, делегация аъзолари томонидан Фарғона ёшлар футбол мактаби стадионида олиб борилган семинар машғулотлари мухлисларда катта таассурот қолдирди.

— Жамоамиз аъзолари Наманганда бўлишганда вилоят футбол фахрийлари билан мини-футбол бўйича ўртоқлик учрашувини ҳам ўтказишди. Дастлабки ўйин дуранг натижа билан тугалланган бўлса, кейинги баҳсда фахрийларимиздан иборат жамоа 2:1 ҳисобида ғолиб чиқди, — дейди Ўзбекистон спорти фахрийлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Республика тоифасидаги ҳакам Ахбор Имомхўжаев. — Футболимизнинг 90 йиллигига бағишланган мана шундай тадбирлар ҳали якунланмайди. Федерациямиз томонидан эндиги сафар Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларига режалаштирилган. Ушбу сафарга тайёргарлик ишлари ҳозирдан бошланиб кетди.

Орзугул РУСТАМОВА

Ўсмирлар ўртасида шахмат-шашка спорт турини ривожлантириш, шаҳар миқёсидаги мусобақаларга ғолибларни саралаш ва янги истеъдодларни кашф этиш мақсадида Ҳамза тумани «Янгиобод — спорт» маҳалла соғломлаштириш клубида шахмат-шашка бўйича ёшлар ўртасида мусобақалар ўтказилди.

Ғолиблар аниқланди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман кенгаши, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва туман «Маҳалла» жамғармаси ташаббусида ўтказилган ушбу мусобақада 12-14 ва 14-16 ёшли ўсмирлар иштирок этишди.

Унга кўра шашка бўйича 1-ўринни Зебо Шамсиддинова маҳалласидан 206-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жамшид Ирисметов эгаллади. 2-ўринни эса Иноғом Юнусов маҳалласидан 156-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шерзод Йўлдошев қўлга киритди. 3-рағбатлантирувчи ўринга «Баҳор» маҳалласидан Дилшод Йўлдошев, «Умид» маҳаллаисдан Р.Мелибоев сазовор бўлдилар.

Қизлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда эса «Умид» маҳалласидан 153-мактаб ўқувчилари опа-сингил Шаҳноза ва Моҳира Шоқодировалар ғолиб деб топилди.

Ўтказилган мусобақанинг шахмат тури бўйича якка ғолибликни Иноғом Юнусов маҳалласидан Бобур Эргашев қўлга киритди.

Мусобақа сўнггида ғолиблар ташкилотчи ҳомийлар томонидан мукофотланиб, шаҳар миқёсида ўтадиган турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

Тахсинга лойиқ ишлар

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни, айни таътил кунларида ҳам мактаб ўқувчиларига миллий ҳунармандчилик буюмлари ясашни, турли хил фанлар бўйича билим ҳамда малакаларини оширишга имкон яратишни ўз олдига мақсад қилиб олган Акмал Икромов туман қўшимча техник таълим мажмуида бу борада бажарилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Айни кунларда тумандаги 14 та мактабда қўшимча техник таълим мажмуи ташаббуси билан 9 та клуб болажонлар учун хизмат қилмоқда. Қувонарли томони, бу таълим муассасалари қошида миллий ҳунармандчиликка асосланган тўгараклардан ташқари миллий мусиқа асбоблари ясайдиган тўгарак ҳам фаолият юритмоқда.

Яқинда Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари тумандаги қўшимча техник таълим мажмуида бўлишиб ўқувчилар қўли билан яратилган миллий ҳунармандчилик буюмлари кўргазмасини томоша қилишди. Тўгарак аъзоларининг ўз қўллари билан ясаган мусиқа асбобини элчихонага тақдим этишлари хорижликлар кўнглини хушнуд этди. Ва японияликлар юртимизда ёшлар таълимини ривожлантириш йўлида қилинаётган ишларга юқори баҳо беришди.

(Ўз мухбиримиз)

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2002 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 8 сўм 70 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 4 сўм 35 тийиндан белгиланди.

Аҳоли учун ўрнатилган барча имтиёзлар сақлаб қолинади.

Электр энергиясидан фойдаланишда имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар, бир йилда бир марта тасдиқловчи ҳужжатларни энергия билан таъминловчи ташкилотга тақдим этишлари шарт.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари шўъба корхонаси

Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси Б.К.Юсуповга берилган 000075 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг буйруғига асосан **бекор қилинди.**

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги «IMKON-ORZU» хусусий универсал биржаси, код ОКПО 18310793

ТУГАТИЛАДИ.

Эълон чиққанидан кейин бир ой мобайнида ариза ва шикоятлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:
Ҳамза тумани, Алиев кўчаси, 82.
Телефон: 98-63-56.

Тошкент шаҳар хўжалик суди жамоаси, шаҳар хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Собир Боратович Холбоевга акаси **Хайитмурод ХОЛБАЕВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Муҳаббат ёлғонлари

Аёл ҳақида сўз айтиш осонми? Қийин. Сабаби биз уни дилимизда ва тилимизда бор бўлган барча гўзал ва улуғвор сўзлар билан алқаймиз. Аёлни қуёшга, ойга, Зуҳро юлдузига ўхшатамиз. Баъзида шунданда кўнглимиз тўлмайди. Уларнинг таърифи ва ўхшаши йўқ қиёсини келтириш учун соатлаб бундан ҳам жарангдор ва дилрабо сўзларни излаймиз. Улар ҳақида нечоғлиқ баландпарвоз лутф қилсак ҳам озлик қилаётгандек туюлаверади. Чунки аёл мунис ва меҳрибон она, изли-қутли келин, дилкаш опа ва латофатли сингил. Энди айтинг, шундай ҳурматга лойиқ топилган бу покиза инсон ҳақида ножоиз сўз айтмоққа қайси юрак бетлайди-ю, кимнинг тили боради. Қани энди бу ёруғ олам бир текис, унда биз истамаган ҳеч қандай чалкашликлар, қоқилишлар содир бўлмаса-ю, аёл ҳақида мудом ва сўнгги нафасимизгача ширин лутф қилсак. Аммо минг афсуски, ҳаёт турли хил тасодифлар, воқеаларга бой экан, унда баъзан кўнгилсизликлар ҳам учраб туради.

Бугун биз софлик ва покликни қалбига жо қилган аёллардан минг бор кечирим сўраган ҳолда ана шундай дилхираликлар хусусида, аёл деган қутлуғ номга доғ тушираётган баъзи кимсалар, тутуриқсиз севги шайдолари ҳақида, яна ҳам тўғрироғи муҳаббат ёлғонлари ҳақида сўз юритишни жоиз топдик. Кўрган ва кечирганларимиз, кузатувларимиз бизни шунга мажбур этди. Олдиндан бир гапни алоҳида таъкидлаб қўймоқчимиз. Ушбу мақоламизда исмлари келтирилган аёлларнинг номлари баъзи фикр ва мулоҳазаларга кўра ўзгартирилди. Очиғи, шунга мажбур бўлдик.

Дастлаб гапни муҳаббат бозоридан бошласак, биламиз баъзи соддадилли бандалар: «Вой тавба, шунақа бозор ҳам бўларканми?» деб ўйлашлари мумкин. Ҳа, бекорга бош қотириб ўтирманг. Шунақа бозор ҳам бўларкан. Лекин ундаги савдо барча бозорларга ўхшаш очиқ эмас, бироз хуфёна, биров билиб-билмайдиган тарзда давом этаркан. Турмуш тарзимизга ёт бўлган, умуман мусулмончиликка тўғри келмайдиган бундай бозорлар яна қаерда денг — шаҳримизнинг энг гавжум ерларида, баъзи хиёбон, бозорлар атрофи, меҳмонхоналар, кўп қаватли уйлар, тунги кўнгилочар дискотека ва барлар, шахсий таомхоналардан ўрин олганлиги кишини ўйлантиради. Аниқ мисолларга ўтайлик.

Навоий театри рўпарасидаги фаввора кимни ҳам мафтун этмайди, дейсиз. Айниқса жазирама ёз оқшомлари унинг атрофи ҳамшаҳарларимиз билан гавжумлашиб кетади. Шундай гўзал масканда ноз-карашма билан бир-бирини ўзига имо-ишора қилиб чақираётган, юз-кўзига беўхшов пардоз-андоз берган енгилтак аёллар, тунни мароқли ўтказиш пайида юрган саёқ йигитларни учратиш ҳар қандай дилни хира қилади.

Пойтахтимиздаги хиёбонларнинг бирида кундуз кунлари қоқ пешин вақтида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бу ерда савдо очиқ. Ўртада ҳар икки томонни битувга келтирадиган даллол — аёл (у шу қадар ясан-тусан кийиниб олганки, ўртача ойликка яшайдиган аёл асли бундай либосга эриша олмайди) ишни бир зумда битириб беради.

Кўриб туриб ажабланасан. Ахир одамлар кўз ўнгида содир бўлаётган бу «муҳаббат бозори»ни наҳот шу майдонни кезиб юрган посбонлар кўрмаётган бўлса? Бозор «сотувчилари», «даллоллари» ва лақма харидорлар наҳот уларнинг ўткир ва сезгир нигоҳидан четда қолаётган бўлса. Бу нима ўзи? «Кўз-кўзни танишими» ёки «еган оғиз уялишими». Назаримизда ҳар иккаласи, бўлмаса кўрибкўрмасликка олишга уларнинг ҳаққи йўқ.

Чет эл фильмлари, сериалларининг таъсирими ёки бирор бошқа сабабми ишқилиб нима бўлганда ҳам бизда бўсаларнинг қадрқиммати ниҳоятда пасайиб кетяпти. Майли, шарқона удумларимизга ёт бўлсада, дўстлар, дугоналар учрашуви ва хайрлашувидаги самимий ўпишиб кўришишларни бундан мустасно тута қолайлик. Лекин балоғат ёшига етган йигит-қизлар, баъзи оилали эркак ва аёлларнинг бу хилда йўл тутишига, гўё шундай бўлиши керакдай уларнинг ўзгалар нигоҳида уялмай-нетмай ўпишиб кўришишларига нима дейсиз? Бу ўта маданиятлиликнинг нишонасими ёки ҳаётимизга кириб келаётган яна бир янгиликми? Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Очиғи, бу бориб турган беҳаёлик. Қолаверса, рўй бериши мумкин бўлган шармандаликка қўйилган бир қадам. Чунки юзимиздаги ҳаё пардасининг кўтарилишига мана шундай эҳтиросли бир бўсагина сабабчи бўлади.

Ҳатто шу даражага бориб етдики, баъзи қиз-жувонлар оғзидан: «ўпса ўпар, ювса кетар» деган сўзларни эшитиб ҳам қоламиз. Уларга шуни таъкидлаб қўймоқчимиз. Йўқ, ювса кетмайди. Унинг мазаси, таъми оғизда қолади. Бир марта ширинликни тотиб кўрган гўдакнинг кўнгли тез-тез ширинлик истаб турганидек, бир марта бўса берган қиз ёки аёлнинг кўнгли ҳам такрор марта шундай илиқ ҳароратли нафасни тусаб қолади. Шу зайл биринчи бўса иккинчисига, кейин учинчисига йўл очиб беради. Охир-оқибат бу тубсиз бўсалар (баъзиларни истисно тарзда) куни келиб шармандалик ботқоғига етаклайдики, энди ундан ким соф чиқади, ким афгор бўлиб. Буниси фақат яратгангагина аён.

Такрор бўлса-да биз бундай беҳаёларга яна бир нарсани биринчи бўсанинг жойи ва ўрнини эслатиб қўймоқчи эдик. Унинг жойи чимилдиқ. Фақат ўша маконлагина берилган бўсанинг қадрқиммати баланд бўлади, меваси лаззатли, ҳосили эса ширин бўлади.

Пешин пайти тушликдан сўнг хиёбонда дам олиб ўтирган эдик. Бизга яқин жойда бир-бирига рўбарў келган икки дугонанинг қуйидаги суҳбатининг гувоҳи бўлдик.

— Вой Парий, яхшимисан, сени кўрар кун ҳам бор экан-ку.

— Зумирмисан, кўзларимга ишонмайман. Бирам очилиб кетибсанки...

Қизлар қучоқлашиб, ўпишиб кўришишди.

— Гапир, қаердан сўраймиз?

— Олдин ўзингдан эшитайлик. Турмушга чиқдингми? Жалол билан ўрталарингдаги «роман»дан хабарим бор эди.

— Эй, гапирма, ўша сўтакни, жинимни қўзитиб. Унинг аллақачонлар жавобини бериб юборганман. Анчадан бери биттаси орқамдан соядек эргашиб юрарди. Яқинда у билан танишдим. Оти Эркин. Вой кўрсанг қотиб қоласан. Чиройли, келишган. Бойваччалигини айтмайсанми, қадамимга пул сочади. Тагида янги машина. Шундай илакишиб қолганки, кунда мени бир марта кўрмаса ўлиб қоларкан. Кеча бир жойга тунги ресторанга олиб борди. Гапирма, ресторанмисан, ресторан. Ҳали бунақасини кўрмаганман. Жондан бошқа ҳамма нарса бор. Қара, ўйин-кулги билан кечаси соат икки бўлганини билмай қолибмиз. Кетар чоғимизда у нима дейди дегин?

— Нима дейди.

— Бўлар иш бўлди, ярим тунда уйдагиларни безовта қилиб юрамизми, хоҳласангиз шу ерда махсус ётоқхоналар ҳам бор, тунаб қолишимиз мумкин, — дейди. «Ҳа ёқмай қолсин», дедим. Қарасам бироз хомуш тортиб турибди. «Бунинг ҳам пайти бўлиб қолар», деб кўнглини кўтариб қўйдим.

— Уйдагиларинг нима деди. Роса гап эшитгандирсан?

— Мени тергайдиган дадам аллақачонлар оламдан ўтиб кетган. Акам кечаси билан кўчадан бери келмайди. Ойимни биласанку, унча ишлари йўқ. Сал алдовга кўникиб кетаверадилар. Сўровдилар, сени айтдим. Фаридаларникида эдим, дедим.

— Алдоқчи...

— Уни-буни қўй. Эркин акамнинг яхши бир оғайниси бор. Хоҳласанг сени ўша билан таништириб қўйишим мумкин.

— Раҳмат, Зумир. Биласанку менинг йўлим бошқа. Тунда юришга ўрганмаганман. Қолаверса отам-онам бунга йўл қўймайди.

Дугоналар суҳбати узоқ вақт хаёлимиздан кетмади. Агар келин бўлса бир оилани обод қилгудек гўзал қиз Зумраднинг енгилтак гаплари бизни чуқур ўйга толдирди. Хайриятки бугун у Эркин акасини хафа қилмаслик учун бегона уйда у билан якка-ёлғиз қолишни пайсалга солибди. Бу севги «романи» давом этаверса, эртасига қуюқ дастурхон теграсида ўтириб тил учида айтилган келажак орзу ёки бахтли кунлар учун ичилган бир пиёла муҳаббат қаҳвасидан сўнг боши айланиб, бундай таклифга розилик бермайди деб ким айта олади.

Биринчидан, севгини қадрлаган, севгилисини ҳурмат қилган йигит уни ҳаммага кўз-кўз қилиб ярим кечагача ресторанма ресторан олиб юрмайди, ҳеч қачон уни ифлос тўшакка етакламайди. Уни бегона кўзлардан, ҳатто ўзидан ҳам рашк қилади. Муҳаббатнинг синовларига, унинг ўт-оловларига бардош беради. Никоҳ кунини орзиқиб кутади. Чимилдиқни эслаб энтикади. Ана буни ҳақиқий севги, севиш, севилиш деса бўлади.

Эскилар қозонга яқин юрсанг қораси юқар, деб бежиз айтишмаган. Дўст танлашда, дугона танлашда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Ҳамма ҳам чинакам дўст, дугона бўлавермайди. Ўнта дўстдан биттаси, ўнта дугонадан биттаси суюқроқ бўлса, албатта ёнидагилардан бир-иккитасини шу йўлга етаклайди. Бу исботланган ҳақиқат. Шундай йўл билан оғзи куйиб қолаётган қизлар, ҳатто оилали аёллар ҳам йўқ эмас. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Тери-таносил касалликлари шифохонасида бўлганимизда хизматчиларга шу ерда даволанаётган аёллар билан суҳбатлашиш истагимиз борлигини билдирдик. Улар икки беморни таклиф қилишган экан розилик беришмабди. Биринчиси: «Агар мухбир аёл бўлганда гаплашардим. Эркаклардан қуйганман. Уларни кўришга кўзим, отишга ўқим йўқ» дебди. Иккинчиси аксинча: «Бажонидил гаплашардиму лекин эркакларни кўрсам ўзимни тутиб туролмайман», деган жавобни берибди.

Хуллас учинчи аёлни аранг кўндириб олиб чиқишди. Унга бир қарашдаёқ кўзимиз билагидаги қора, кўк доғларга тушди. Аёл ўткир нигоҳ билан беорлик ила кўзимизга тик қараб турарди. Шундай ҳолатда бироз довдираб қоларкансан киши. Гапни нимадан бошлашни билмай қолдик.

— Вой, шундай ўтираверамизми, сўранг сўрайдиганингизни...

Ёнимизда ўтирган шифокор жонимизга оро кирди.

— Гап бундай, сиз бошингиздан ўтганларини гапираверинг, бу киши секин ёзиб олаверадилар. Шунақами, мухбир ака?

— Ҳа, ҳа, шуниси маъқул, — деймиз шошилиб.

— Нимасини айтай бир достон-ку бу. Эшитишга вақтингиз етармикан?

— Етади.

— Бўпти, тингланг бўлмаса. Аслида мен ҳам олий маълумотли эдим. Тўйим бўладиган кунлар яқинлашиб қолганди. Бир йигитга унаштирилгандим. Кечқурун уйга қайтаётиб курсдош дугонамни учратиб қолдим. Суҳбатлашдик. Шунда у менга турмушга чиққанини, эри билан Чилонзорда яшашини айтиб қўлимга адресини тутқазди. Кейин дам олиш куни бўладиган туғилган кунига таклиф қилди. Хайрлашув чоғида:

— Албатта боргин-а кутаман. Бир чақчақлашамиз, — деб қайта-қайта тайинлади.

Шу дугонамни орқаваротдан ёмон йўлга кириб кетганлигини эшитган бўлсам ҳам юз амри иссиқлик қилиб боришга розилик қилдим.

Ўша куни дугонам айланиб-ўргилиб кутиб олди.

Ичкарига бошлади. Дастурхон бадастир. Уй ичида галдир-гулдур қилиб юрган бир йигитни: «Шу киши менинг эрим», деб таништирди. «Нега ҳеч ким йўқ», деб сўрасам, «Айтганларим ҳозир келиб қолишар», деди.

—Вой нега турибмиз, қани ўтир.

У мени дастурхонга таклиф этди. Эри келиб унинг ёнидан жой олди.

— Бизни ҳоли қўйинг, бир-биримиз билан кўришмаганимизга анча бўлган, мириқиб гаплашиб олайлик. Сиз кўчага чиқиб меҳмонлардан кўз қулоқ бўлиб туринг, — деб эрини чиқариб юборди.

Анчагача гаплашиб ўтирдик. Кейин у эрининг ичишидан зорланиб йиғлаб-сиқтади.

— Ке, қўй, шу ичкилик ўлгурни фақат эркакларга чиқарганми. Биз ҳам ҳеч бўлмаса туғилган кун баҳона бир татиб кўрайлик, — дея қаршилигимга қарамай шишани очиб биллур қадаҳларни тўлдириб қуйди. Менга қараб: «Қани гапир, нима учун ичамиз?»— деб сўради.

— Сенинг туғилган кунинг учун...

— Бўпти ол, ичмаган номард.

— Ичдик.

Бироздан сўнг дугонам:

— Эркаклар ўлгур нуқул жуфт қилишади, кел, биз ҳам шундай қила қолайлик, — дея яна қадаҳларни тўлдирди.

Жуфт қилдик. Дугонамнинг достони очилиб кетди. Бахтсизлигини пеш қилиб яна йиғига тушди.

— Нолийвериб сенинг ҳам юрагингни зардобга тўлдириб юбордим шекилли. Хоҳиш бўлса яна биттадан ичсак.

— Вой, меҳмонлар келгунча чулдирашиб қолмайлик тағин, — деб эътироз билдирдим.

Ширин истак. Бироз зўрлов билан яна биттадан ичдик. Кейин яна бир сабаб билан, бошқа бир баҳона билан ичилди. Кўнглим айнаб беҳузур бўлдим. Бошим чир-чир айлана бошлади. Дугонам қўлимдан ушлаб ётоқхонага бошлади.

— Бироз дам олсанг, ўзингга келиб қоласан. Тинчлантирадиган дорим бор, укол қилиб қўяман.

Бу ичкиликнинг асорати-да. Бўлмаса «Ахир сен шифокор ёки ҳамшира бўлмасанг, қандай қилиб менга укол қилиб қўясан» демайманми? «Билагингни тут» деса тутиб ўтирибман-а.

Очиғи уколдан сўнг анча енгиллашгандек бўлдим. Лекин уйқу элитиб, ўз-ўзидан кўзим юмилиб кетаверди.

— Уйқу тортяпти, шекилли, — деди дугонам беўхшов хиринглаб. —Жиндек кўз илинтириб олақол.

Ярим тунда сувсираб чўчиб уйғондим. Бундай қарасам шармандаларча бир йигитнинг оғушида ётибман. Алдандим. Алдашди. Дугонам билан олишдим, талашдим, унинг бетига тупурдим. Афсуски, бўлар иш бўлиб бўлганди. Ўшандан кейин бўладиган тўйим ҳам тўхтади. Ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Институтдан қувилдим. Аламимдан ўзимни овутиш, кўнглимга бироз бўлса-да таскин берувчи нимаики бўлса қилдим. Энг ёмони, гиёвандлик кўчасига кирдим. Шу заҳри қотилни қабул қилмаган куним қоронғу бўлди. Буёғига нималар бўлди, кимлар билан учрашдим, энди сизга қизиғи йўқ. Оқибат шу ерда ётибман. Фақат ўша кунни, ҳаётимга зомин бўлган ўша дугонамни лаънатлайман холос.

Иккинчи суҳбатдошим гапни калта қилди.

— Бинойидек оилам, бироз кўполроқ бўлса ҳам кўз очиб кўрган эрим бор эди. Ўзим тикувчилик корхоналаридан бирида ишлардим. Ўша кезлари мастеримиз Олимжон деган йигит атрофимда парвона бўлавериб жон-ҳолимга қўймасди. Минг қилса ҳам аёл киши ширин сўзнинг гадоси бўлади-да. Билмадим, шайтон йўлдан урдими, дилкаш суҳбатлар, кундалик мулозаматлар хаёлимни олдими, шу йигитга кўнгил бердим. Анча вақт сир бермай юрдик. Қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқар экан. Бу гап эримнинг қулоғига етиб тўполон қилди. Уни ишонтириш учун онт ичдим, «нон урсин» дедим. Охири қасам урди. Хиёнат устида қўлга тушдим. Шу қўйи эримдан ҳам, севганим Олимжондан ҳам айрилдим. Иккалови икки томонга кетиб қолди. Болаларим мендан юз ўгирди. Ёлғизликдан қийналган чоғларим суҳбатдошим бир кунлик эркаклар бўлди. Хуллас ҳаммасига ўзим айбдорман. Билиб туриб тиканники босдимми, энди унинг жабрини ҳам ўзим тортиб ётибман.

Шу мавзу сабаб қанча «адашган» аёллар билан гаплашиб, суҳбатлашмайлик фақат уларнинг оғзидан: «Мени алдашди, алдандим», деган сўзларни эшитдик. Хайрият бу сафар ушбу аёл айбига иқрор бўлди. Ҳаммасига ўзи сабабчи эканлигини тан олди.

«Мени алдашди, алдандим», деган сўзларни эшитганимизда хаёлимизда ҳамиша бир гап такрорланарди. Нега алданасан? Ким алдайди сени? Нима кичкина боламидингки қўлингга хўрозқанд бериб эркаласа орқасидан эргашиб кетаверадиган? Сен балоғат ёшига етиб оқ-қорани танийдиган даврда алданасанми? Йўқ, сени алдашмади. Сен ўзингни ўзинг алдадинг. Маъноли қарашлар, мафтункор кўзлар, ширин сўзлар, титроқли нозик бармоқларни илитгудек бўлиқ кафтлар, вужудингга ўт-олов бағишловчи қайноқ бўсалар йиғиндиси, муҳаббат ёлғонлари сенинг хаёлингни ўғирлади. Охир-оқибат бу ўғриликнинг жавоби борлиги, унинг ниҳояси яхшилик билан тугамаслигини унутдинг. Мана шу алдовчи хаёллар бутун ҳаётингни барбод этди.

Баъзан оилали аёлларнинг «алданиб қолдим» деганига ақлинг бовар қилмайди киши. Мана бир мисол.

— Машиначиникига бораман. Тиктираётган кўйлагимни ўлчатаман бугун. Кеч қоляпман. Илтимос машинангизда шундоқ ташлаб ўтсангиз, — деди Машкура уйига тушликка келган эрига ялинганнамо.

— Кечаям бориб келдинг. Тунов куни ҳам бординг. Ҳар куни нима қиласан машиначиникида. Қўлинг бундай кўйлак тиктиришдан бўшайдими ўзи. Қолаверса қимматбаҳо кўйлакларни тиктиришга пулни қаердан оляпсан?

— Одамлар бир кунда уч-тўрт марта турланадиган бўлиб қолишди. Мен сизнинг даврингизда бир-иккита кўйлак тиктирсам нима қипти. Ахир бўш ўтирганим йўқ. Уйда бўлса ҳам бироз олди-сотди қилиб пул топяпман. Сизга унчалик оғирлигим тушаётгани йўқ-ку.

— Бўпти, тезроқ бўла қол. Шошиляпман. Сенга гап уқтириш бефойда.

Фозилжон аёлининг истаги билан уни борадиган манзилига элитди. Хотини чиройли табассум ҳадя этиб «Хайр» дея кўп қаватли уйлардан бирига зипиллаб кириб кетди. Фозилжон унинг орқасидан бир зум термулиб қолди. «Биров ҳавас қилса арзигудек суқсурдек хотиним бор-да ўзи. Ўзи аслида бундай аёл учун бир эмас, ўнта кўйлак ҳадя этсанг кам».

Шу уй йўлагидан шошилиб тушган кўкракдор аёл Фозилжонга мурожаат қилди:

— Бўшмисиз? Шундоқ Лабзакка ташлаб ўтинг.

— Бажонидил.

Аёл машинани айланиб ўтиб олдинги ўриндиққа Фозилжонга яқин ўтирди. Ўтириши билан қўлидаги дафтарни титкилаб очдида ичидан келишган қоматли гўзал аёлларнинг суратини чиқариб бирма-бир кўздан кечира бошлади.

— Бунча гўзал бўлмаса бу аёллар, — суратга кўз қирини ташлаб ҳазил қилган бўлди Фозилжон.

— Хоҳлаганингизни танланг, улар билан учраштириш қўлимдан келади. Фақат чиқимига чидасангиз бўлгани ака,— очиқ савдога ўтди аёл.

Фозилжон қизиқсиниб расмларга термулди. Аёл уларга бирмабир таъриф бера бошлади. Бирдан ярим яланғоч аёлга кўзи тушди-ю, аъзойи бадани зирқираб кетди. У кўзига ишонмади. Кейин янглишмадимми дегандек қайта-қайта ўша суратга тикилди. Йўқ, худди ўзи. Бу аёл ёстиқдоши Машкура эди.

— Шуниси ёқиб қолди шекилли, — деди аёл Фозилжоннинг суратга узоқ тикилиб қолганини кўриб.

— Ҳа, шуниси билан таништирсангиз.

Келишилди.

Фозилжон кечқурун уйга қайтса хотини хурсанд бир қўшиқни хиргойи қилиб юрибди. Эр рашк ўтида ёнса ҳам тишини тишига қўйди.

— Ҳа, тинчликми?

— Вой дадаси, сиздан бесўроқ бир иш қилиб қўйдим.

— Нима экан?..

Аёл эрининг олдига қимматбаҳо тилла занжирни қўйди.

— Шуни олиб берасиз.

Фозилжон индамади. Эртага гаплашамиз деган баҳона билан ётоқхонага кириб кетди. Кечки овқатга чиқмади. Хотини гўё араз қилгандек уни туришга зўрламади.

Фозилжон эрталаб ўрнидан турса Машкура қайгадир кетибди. Кутди-кутди, келмади. Вақт бўлиб қолгани учун келишилганига биноан у тушлик маҳали белгиланган жойга етиб келди. Уни ўша таниш аёл кутиб олди. Лифтда учинчи қаватдаги тўрт хонали уйга чиқишди. Ясатилган столда ичкиликларнинг турли хили, нознеъматлар.

— Олдин тамадди қилиб оласизми ёки маъшуқангиз билан учрашгандан кейинми, — сўз қотди аёл.

— Кейин, — деди титроқдан зўрға ўзини босиб Фозилжон.

У аёл кўрсатган эшикдан ичкарига кирди. Бу сафар кўзларига чиппа-чин ишонди. Машкура безатилган ўринда ярим яланғоч ҳолатда навбатдаги жазманини кутиб ётарди...

Энди буни нима деб атамоқ керак? Алданишми, адашишми ёки бошқа номи борми бунинг? Сўз айтишга ҳатто тил бормайди.

Хизмат юзасидан Тошкент шаҳар судида бўлганимизда бир ҳукм диққатимизни ўзига тортди. Унда қайд қилинишича, кечки соат 22 ларда икки қиз дугоналарининг туғилган кунидан қайтишарди. Йўловчилар сийрак бекатда автобус пойлаб туришса уларнинг олдига бир енгил машина келиб тўхтайди. Кабинада ўтирган уч йигит қизларни илтифот билан машинага таклиф этади. Дугоналар сўраб-суриштирмай машинага ўтиришади.

Йўл-йўлакай танишув бошланади. Ёшларга хос шўх хандонлик билан биринчи қиз манзилига етиб келади. Йигитлар машинани тўхтатиб сертакаллуфлик билан уни уйига кузатишади. Иккинчи қиз нотаниш ҳамроҳлар билан кетади.

— Сиз қаерга борасиз? — сўрашади йигитлар қиздан йўл-йўлакай.

— Юнусободнинг 15-мавзесига.

Яна гап гапга уланади. Манзилга етай деб қолганда ҳайдовчи йигит бирдан машинани чала битган бино қаршисида тўхтатиб, ёнида ўтирган қизга мурожаат қилади.

— Барнохон, мана уйингизга икки қадам қолди. Шундай мусаффо ҳавода сиз билан бироз сайр қилиб яхшироқ танишсак нима дейсиз?

Қиз бир зум ўйланиб:

— Мана танишдик-ку. Агар билсангиз шу топда бошим қаттиқ оғриб зўрға келяпман,- дейди.

— Вой, нега айтмайсиз? Менда бош оғриғини таққа тўхтадиган таблетка бор.

— Керакмас. Уйда дорим бор, кириб ичаман.

— Бу бошқачаси. Бир ичиб кўринг, кейин айтасиз.

Йигит қўярда қўймай қиз қўлига таблеткани тутқазди. Иккинчи йигит эса унга пиёлада «Тошкент суви» тутди.

— Қалай анча енгил тортдингизми? — сўради меҳрибонлик билан йигит қиздан.

— Бироз оғриқ қолди, шекилли.

— Яна бир-икки дақиқадан сўнг бутунлай тузалиб кетасиз. Келинг, бир нафас очиқ ҳавога чиқинг.

Қиз жилмайиб ҳамроҳига қарайди-да, машинадан тушади.

Йигит ва қиз суҳбат асносида машинадан бироз узоқлашгач ҳамроҳлар ҳам уларнинг орқасидан ўғринча эргашадилар.

Шу куни чала битган бино бироз кўнгилли, бироз шовқинли воқеаларга гувоҳ бўлади.

Оқибат иш судга ошади. Ҳар уччала йигит қилмишига яраша жазоланади. Энди айтинг, бу ўринда кимни айблаш мумкин? Кўрабила туриб номусини ўғирлатган қизними ёки шифо топасиз деб қизга заҳри қотил тутган йигитларними? Албатта биз бу билан суд ҳукмини инкор этмоқчи ёки йигитларни оқлаб, жабрдийда қизни қораламоқчи эмасмиз. Йигитлар ўткир таъсир қилувчи заҳри қотил таъсирида эс-ҳушини йўқотган қизни зўрлашгани, куч ишлатишгани тўғри, уларга берилган жазо ҳам адолатли. Лекин бироз тийрак кўз, зийрак ақл билан ўйлаб қаралса шу кўнгилсиз воқеа содир бўлмаслиги мумкин эди-ку.

Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади. Нега қизлар суриштириб нетмай тунда уч ўспирин ўтирган нотаниш машинага чиқишди? Дугонаси тушиб қолгач ёлғиз Барнохон нега қаршисида ўтирган нотаниш йигитлардан хавфсирамай, улар билан бир машинада кетди? Нега у кимсасиз жойда биргина такаллуф билан машинадан тушди? Нимага ишониб бегоналар томонидан тутилган «бош оғриғи» дорисини ичди? Овлоқ жойда сайр қилишга майл билдирди? Наҳот шу қилмишининг оқибати яхшилик билан тугамаслигини ҳис этмаган бўлса? Кечирасизу энди бунинг учун киши бироз довдир, телбанамо бўлиши керак. Ақлли-ҳушли қиз ҳеч қачон ўзини бундай жазога мустаҳид этмайди. Лекин аниқ фактлардан қочиб қутулиб бўлмас экан. Суд экспертиза хулосалари қизда ҳеч қандай жузъий ва ақлий камчилик йўқлигини исботлаб турибди. Ана энди вазиятга баҳони ўзингиз бераверинг.

Яқинда илтимосимиз бўйича бир туғруқхонадан телефон қилишди. Гўшакни кўтарсак ундан: «Сизларда бирон-бир сабаб билан она ўз боласидан кечадиган ҳолатлар бўлиб турадими. Шулар ҳақида мақола тайёрлаётган эдик. Агарда шу яқин ўртада шундай вазият пайдо бўлса илтимос бизга қўнғироқ қилсангизлар», деган эдингиз. Тез етиб келинг бир она боласидан воз кечяпти», деган саросимали овоз эшитилди. Манзилга етиб бордик. Шифокорлар бизни у аёл билан зўр- базўр учраштиришди.

— Белим оғриб болани туққанман. Ундан кечаётган ҳам ман. Сизларга нима?

Ёшгина онанинг бетга чопарлик билан қилаётган муомаласидан бироз ранжисакда унга баъзи бир саволларни беришга мажбур бўлдик.

— Тўғри, лекин сиз онасиз. Шундай экан, ҳали мурғак, она кўкрагига зор нуридийдангизни қандай кўзингиз қийиб ундан воз кечасиз?

— Балки кимлар учун у нуридийдадир. Лекин мен учун ҳаром. Ифлос тўшакда бўлган боладан нимани кутиш мумкин. Уни алдоқчи, қочоқ отасидан нима яхшилик кўрдимки, боласидан кўраман.

Бундай шафқатсизларча бемеҳр гаплардан сўнг бу аёл билан ортиқча савол-жавобга ўрин қолмади. Ундан тезроқ қутулиш учун хонани тарк этдик.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ҳам ўйнаш тутиш энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Илгариги замонда бундай ҳолат онда- сонда учраб тургани учун гуноҳкорлар тошбўрон қилинган. Хайриятки бизнинг даврга келиб бу жазо анча енгиллашди. Билмадик, бўлмаса қанча-қанча одам тошбўрон остида қолиб кетарди. Шу ўринда ёшларга қарата муҳаббатнинг ёлғонлари кўп азизлар, уларга учманг «Осмондаги юлдузни ҳадя» этишларига ҳам ишонманг, ҳар бир нарсанинг ҳатто кўз илғамас бўсанинг ҳам ўз вақти-соати, муддати бор. Кимки муддатидан илгариламоқчи бўлса янглишади. Муддатидан ўзиш оқибатини юқоридаги мисоллар исботлаб турибди, дегимиз келади.

Яна бир гап. Биз бу мақолани ёзишда анча гапларни рўй-рост айтишдан тийилдик. Хусусан, баъзи эркакларнинг ҳаддан ташқари шилқимликлари, ҳали чимилдиқ кўрмаган қизлар, бокира аёлларни ўзларига ром этиш йўлида бор бўлган барча «артистлик» қобилиятларини ишга солишга бўлган уринишлари ҳақида гапириб ўтирмадик. Сабаби, юқоридаги мисолларнинг ўзи ҳам шундайларнинг юзини очиқ кўрсатиб турибди. Одоб юзасидан шахсий тунги барлар, кўнгилочар хоналар, меҳмонхоналар, кўп қаватли уйлардаги ишратхоналар ҳақида очиқ-ойдин сўз юритмадик, баъзиларини хас-пўшлаб ўтдик. Айтмоқчимизки енгилтак ёшларга яратилган бундай қулайликлар шаҳримизнинг турли бурчакларида ўз фаолиятларини давом эттирмоқда. Бундай ишратхоналар, тунги барларга кимлар боради ўзи? Фақат бировнинг ҳақи ҳисобига яшашга ўрганган ўғри-муттаҳамлар ёки бебилиска пул топадиган бойваччалар. Уларнинг юриш-туриши, ширин сўзига учган «маликалар» ҳеч қачон улардан чинакам аҳду-вафо, умрбоқий муҳаббат кутмасин. Бундай жойларга ружу қўйган бу кимсалар соатлаб фақатгина муҳаббат ёлғонлари ҳақида ваъз айтишлари мумкин. Биз бу йўлдаги текширувларни посбонларимиз эътиборига ҳавола этган ҳолда ота-она масъулияти ҳақида гапирмоқчимиз. Не ажабки такрор бўлсада, бу сафар ҳам фарзанд олдидаги ота-она бурчи ва масъулиятини четлаб ўта олмадик. Ярим тунда қайтаётган бебош ўғил ёки ўша эркатой қизнинг ота-онаси, бирор жонкуяри бордир ахир? Уларнинг кўзи қаёқда? Нега тун оққанда гандираклаб қайтган ўғил ёки қандайдир ҳидни йўқотиш учун баъзида тўхтовсиз сақич чайнаб, кўзи ўйнаб турган қиз яхшилаб тежаб-тергалмайди? Ҳар хил алдовларга учмай ёшларнинг қаёққа бориб келаётгани билан катталар нега ростмана қизиқишмайди? Мана шулардан келиб чиқиб бугун биз ота-онанинг фарзанд тақдирига масъулиятсизларча қарашлари натижасида юқоридаги кўнгилсиз ҳоллар келиб чиқмоқда дейишга қай даражададир ҳақлимиз. Шу ўринда хўш, ота-она назоратидан узоқда ўқиш ёки хизмат юзасидан юрганларга ким қарайди, деган савол туғилиши мумкин. Улар учун жамоатчилик бор. Ётоқхона маъмурияти бор. Ҳар бир ётоқхона раҳбари, ҳар бир хонанинг бошлиқлари ёки истиқоматчилари бу ишга масъулдирлар. Дўсти-дугонаси ёмон йўлга кириб бораётганлигини била туриб индамаслик бу ўтакетган нодонлик. Бу йўлда зинҳор-базинҳор «сен менга тегма, мен сенга тегмайман», қабилида иш тутиб бўлмайди. Қачонки ота-она, жамоатчилик, маҳалла-кўй, ёшларнинг ҳар бир босган қадамидан, уларнинг нима билан нафас олаётганидан мунтазам хабардор бўлмас экан, бу йўлда ҳали кўп йўқотишлар содир бўлиши мумкин.

Шоирнинг ушбу байтидан келиб чиқадиган хулоса билан мақоламизни якунламоқчимиз.

«Оҳ урарман, оҳ урарман, оҳларим тутгай сени,
Кўз ёшларим дарё бўлиб балиқлари ютгай сени».

Эҳтимол шоир бу икки мисрада ошиқ васлига етолмай унинг ҳажрида куйиб, ўртанган маъшуқанинг чорасиз ҳолатини тасвирламоқчи бўлгандир. Лекин биз узр сўраган ҳолда унинг мазмунини бу сафар бироз тескари буриб муҳаббат ёлғонларининг «шайдоси», кейинчалик эса унинг «қурбони» бўлган маъшуқаларга қаратмоқчимиз. Ҳаёт мураккаб. Унинг ёлғонлари кўп. Бу ёруғ оламда баъзи тасодифлардан мустасно айтиш мумкинки йигит учун ҳам, қиз учун ҳам севги-муҳаббат битта, оила ягона.

Ўйламанг, минг-минг йиллар давомида ўз исботини топиб келаётган бу турмуш тарзини ҳеч қачон четлаб ўтиб орзу-мақсадга эришиб бўлмайди. Бу ҳаёт қонунини назар-писанд қилмаганлар пировард натижада чорасиз оҳ уриб қолаверадилар. Билмадик, кейин кўз ёшдан пайдо бўлган дарёдаги балиқлар кимни ютадию, кимни ютмайди. Мақсадимиз эса битта. Афсус ва надоматли аччиқ кўз ёшлар ўрнини севинч ёшлари эгалласин. Бу ёшлардан ҳосил бўлган дарёдаги балиқлар безавол эмин-эркин сузиб юрсин. Муҳаббатда ёлғон бўлмасин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. Босмага топшириш вақти 16.00 Топширилди 17.00 1 2 3 4 5 6